



Қачон бирортангиз масжидга кирса: «Аллоҳумма ифтаҳ лий абвааба роҳматик», десин. Агар чиқадиган бўлса, «Аллоҳумма инний асъялука мин фазлик», десин» -дедилар

Абу Ҳумайд ёки Абу Усайд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бирортангиз масжидга кирса: «Аллоҳумма ифтаҳ лий абвааба роҳматик», десин. Агар чиқадиган бўлса, «Аллоҳумма инний асъялука мин фазлик», десин» -дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини масжидга кирганда айтиладиган дуога йўллаб қўйдилар. Кираётганда: «Аллоҳуммафтаҳ лий абвааба роҳматик», деб Аллоҳ таолодан марҳамат сабабларига йўллашини сўрайди. Агар чиқишни хоҳласа: «Аллоҳумма инний асъялука мин фазлик», - деб Аллоҳдан фазли ва унга ҳалол ризқни зиёда қилишини сўрайди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65092>

